

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил июль ойининг 2 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ф.Тураходжаев, судлов ҳайъати судьялари С.Қучкаров ва Ш.Шерматовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Ғофуровнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Р.Раджапов, судланувчи А.Рахмоновнинг ҳимоячиси – адвокат Б.Файзиевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2020 йил 2 октябрдаги ҳукмига кўра,

Рахмонов Анваржон Фазлиддинович (Rahmonov Anvarjon Fazliddinovich), 1984 йил 28 февраль куни Навоий вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2004 йил 20 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2006 йил 13 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган қисми, яъни 2 йил 3 ой 8 куни шу муддатга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2006 йил 17 апрелдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 1 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган;

2) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2008 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 135-моддаси 2-қисмининг “а,б,в” бандлари билан, ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2011 йил 9 февраль куни жазони тўлиқ ўтаб чиққан;

3) жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2014 йил 7 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг



20 баравари, яъни 1.922.100 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима 2014 йил 7 февраль куни тўланган;

4) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2014 йил 6 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди ва 166-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2015 йил 31 мартдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган қисми, яъни 2 йил 1 ой 16 куни шу муддатга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2015 йил 12 ноябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 6 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатида илгари шартли равишда озод этилган;

5) жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2017 йил 31 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2020 йил 4 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган қисми, яъни 3 йил 2 ой 21 куни шу муддатга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазони ўтамаган, доимий рўйхатда ҳеч қаерда турмайди, вақтинча Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Оқ йўл кўчаси, 117-уйда истиқомат қилган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2020 йил 6 июндан буён қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 15 июль куни олганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган А.Рахмонов томонидан келтирилган кассация шикоятни асосида 1-1007-2003/196-сонли жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2020 йил 2 октябрдаги ҳукмига кўра, А.Рахмонов Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил ўташ учун 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган



холда ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган ва тайинланган жазо махсус тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Рахмонов 2020 йил 4 июнь куни соат 13.00 ларда ўзининг жиноий шериги М.Камалов билан ўзаро тил бириктириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, ТҲАЙ йўлининг “Ўрикзор” бозори қаршисидан кесиб ўтган қисмидаги автотураргоҳ олдида бўла туриб, йўл ёқасидаги Д.Шариповга тегишли давлат рақами 01 О 959 QA бўлган “Lacetti” русумли транспорт воситасининг қаровсиз қолганидан фойдаланиб, ўзларида бўлган “Magica” пулт мосламаси ёрдамида транспорт воситасининг эшигини очиб, транспорт воситасининг саломидаги қутидан 408.000 сўм ва 160 АҚШ доллари пуллари яширин равишда талон-торож қилишиб, воқеа жойидан яширинганлар.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ички ишлар органлари ходимлари томонидан А.Рахмонов ва М.Камалов ушланиб, улардан 408.000 сўм, 160 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағлари ва “Magica” пулт мосламаси ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотномасига кўра, 2020 йил 4 июнь куни 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан қиймати 10.148 сўм 31 тийинни ташкил этиб, 160 АҚШ доллари 1.623.769,6 сўмни ташкил қилган.

Мазкур ҳукм билан М.Камалов ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми бўйича шикоят ва протест келтирилмаганлиги туфайли унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Судланган А.Рахмонов шикоятида, айбини енгиллаштирувчи ҳолатларини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраган.

Кассация инстанцияси иш бўйича судья Ф.Тураходжаевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Р.Раджаповнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи А.Рахмоновнинг ҳимоячиси – адвокат Б.Файзиевнинг келтирилган кассация шикоятини қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, кўйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси қоидаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланган далиллар асос қилиб олинган.

Судлов ҳайъати, А.Рахмоновнинг содир этилган жиноятдаги айби жабрланувчи Д.Шариповнинг аризаси, ИИО ходимларининг билдиргилари, тушунтириш хатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, нарсани олиш баённомалари, юзлаштириш баённомаси, нарсани кўздан кечириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотожадваллар, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақида қарорлари, гумон қилинувчининг



кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотожадваллар ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи А.Рахмоновнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан А.Рахмоновга жазо тури ва миқдорини белгилашда, барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, санкция доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибда тайинлаш ҳамда ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “б” банди талабларидан келиб чиққан ҳолда уни ўта хавfli рецидивист деб топиш ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан, биринчи инстанция судининг ҳукмининг А.Рахмоновга оид қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 504², 509¹²-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2020 йил 2 октябрдаги ҳукмининг **Рахмонов Анваржон Фазлиддинович** (Рахмонов Anvarjon Fazliddinovich)га оид қисми ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Тошкент шаҳар судига тафтиш тартибда шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ф.Тураходжаев

Ҳайъат судьялари:

С.Қучкаров

Ш.Шерматов

